



MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20- Noyabr 2021

Ma'qullandi: 25- Noyabr 2021

Chop etildi: 30 - Noyabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Жиноят ҳақида хабар бермаслик, Жиноятни яшириш, оғир ёки ўта оғир жиноят, Тайёргарлик кўрилатган ёки содир этилган жиноят.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 241-моддаси 1-қисмида “Тайёргарлик кўрилатган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик” учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Аммо, ушбу жиноят учун жавобгарлик чораларини белгилашда назария ва амалиётда ҳамда у билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларида мазкур норманинг мақсадга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда етарлича эътибор берилмаган. Жиноят кодексининг 241-моддаси 2-қисмида эса “Оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш” учун жавобгарлик

ЖИНОЯТГА ДАХЛДОРЛИК ШАКЛЛАРИ

Мавлонов Достон Мавлон ўғли ¹

¹ Сирдарё вилояти ИИБ Транспортда ХТБ ҳузуридаги Тергов гуруҳи суриштирувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5759441>

ANNOTATSIYA

Муаллиф мақолада жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятни яширишнинг тушунчаларини, уларнинг жиноий-ҳуқуқий белгиларини ёритиб, ўзининг таклифлари ўтган.

белгиланган. Олдиндан ваъда берилган ёки ваъда берилмаган ҳолда жиноятни яшириш, унинг ижтимоий моҳиятини ўзгартирмайди, бироқ жиноий-ҳуқуқий нуқтаи назардан у алоҳида аҳамиятга эга. Жиноят кодексининг 241-моддаси 2-қисми, ҳар қандай ҳолатдаги жиноятларни яшириш учун жиноий жавобгарликни белгиламайди. Бу унинг тушунчасини шакллантиришда аҳамиятли ҳисобланади. Амалдаги Жиноят кодексига биноан жиноятга дахлдорликнинг шакллари сифатида фақатгина “Жиноят ҳақида хабар бермаслик” ҳамда “Жиноятни яшириш” белгиланган. Юридик адабиётларда олдиндан ваъда қилинмаган ҳолда



жиноятни яшириш, хабар бермаслик ва жиноятга йўл қўйишни жиноятга дахлдорлик шаклларига бирлаштириш билан боғлиқ бир қанча фикрлар илгари сурилган. Мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган олим А.А.Отажоновнинг фикрича, жиноятга дахлдорликнинг шакллари ягона умумий тушунчага мужассамлаштирган қуйидаги тўрт мезон асос бўлиб хизмат қилади: Биринчидан, жиноятга дахлдор шахсларнинг ижтимоий хавфлилиги ҳар доим содир этилган жиноят билан боғлиқ бўлиб, жиноятда иштирокчиликни ташкил қилувчи белгилар мавжуд бўлмаслигида акс этади. Иккинчидан, жиноятга дахлдорлик институти учун умумий ҳисобланган, яъни дахлдор шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги гарчи содир этилган жиноятга боғлиқ бўлсада, лекин содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш оқибати билан сабабий боғланишда бўлиши мумкин эмас. Учинчидан, ушбу фаолиятнинг ҳар доим учинчи шахсларнинг жинояти билан боғлиқ

ҳолатда содир этилишини таъкидлаб ўтади. Тўртинчидан эса, унинг нафақат содир этилган жиноятлар билан бирга, балки тайёргарлик кўрилаётган ва содир этилаётган жиноятларга нисбатан амалга оширилишидир. Жиноят ҳақида хабар бермаслик деб, шахснинг тайёрланаётган, содир этилган, содир этилаётган жиноятлар ҳақида аниқ билгани ҳолда ушбу жиноятларни бартараф қилишга ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракат қилиши ва ўзига ёки бошқаларга жиддий хавф туғдирмаслик имкониятларига эга бўла туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёхуд жиноятчиликка қарши курашиш учун маъсул бўлган ходимга хабар бермаслигига айтилади. Жиноятни яшириш деганда, жиноят содир этган шахсни, жиноят содир этиш қуроли ҳамда воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик тушунилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (2018 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Адолат». 2018 йил. 408-бет;
2. Отажонов.А.А. Жиноятга дахлдорлик институтининг жиноий-ҳуқуқий тартибга солиниши: Ўқув қўлланма, - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 75-бет;
3. Кабулов.Р., Отажонов А.А. Одил судловга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 82- бет;
4. Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Т., 1996. – С. 143;
5. Гулямов З.Х. Проблемы борьбы с преступлениями против правосудия: теория и практика: Монография. – Т.. 1997. – С. 226;



6. Кулешов Ю.И. Преступления против правосудия: проблемы теории, законотворчества и правоприменения: монография/ Ю.И.Кулешов. – Владивосток: Изд.во Дальневост. ун-та, 2007. С. 352.
7. Отажонов А.А. Жиноятга дахлдорлик: жиноят-хукуқий ва криминологик жихатлар: Юрид.фан.ном.дисс.автореф. – Т.,2009. – 24-бет;
8. Лапунин.М.М. Вуторичная преступная деятельность и её криминализация. Авторев.дис...канд.юрид.наук. – Саратов, 2006. – С. 26;
9. Косякова Н.С. Прикосновенность к преступлению по Россискому уголовному праву: становление, состояние и перспективь развития: Авторев. Дис... канд. юрид. наук. – М., 2001. – С. 28;
10. Lex.uz / Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси;
11. Yurida / Хукуқий ахборот тизими компьютер дастури;
12. Norma.uz / Ахборот-хукуқий портали.